**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАМОНОВ ЗОКИР ТУРҒИНОВИЧ**

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**УДК: 316.334.3.323 (575.1)**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on political sciences**

**Замонов Зокир Турғинович**
Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида маънавий-ахлоқий институтларнинг ўрни ..... 3

**Замонов Зокир Турғинович**
Место духовно-нравственных институтов в общественно-политической жизни Узбекистана..... 21

**Zamonov Zokir Turg'inovich**
The role of spiritual and moral institutions in the socio-political life of Uzbekistan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works …..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАМОНОВ ЗОКИР ТУРҒИНОВИЧ**

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Siyos65 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-сайти (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Қўчқоров Ваҳоб Ҳошимович**<br>сиёсий фанлар доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Эргашев Ибодулла**<br>сиёсий фанлар доктори, профессор |
| | **Ахмедов Хусниддин Алиқулович**<br>сиёсий фанлар доктори |
| **Етакчи ташкилот:** | **Тошкент кимё-технология институти** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг «____» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e–mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «____»_____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.И.Пахрутдинов**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

**О.Р.Мусаев**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., (DSc).

**Б.Т.Тўйчиев**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати**. XXI аср – глобаллашув шароитида мамлакатлар ҳаётида кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар маънавий фаолиятни янада такомиллаштириш заруратини вужудга келтирди. Бу, бир томондан, глобал ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар оқими билан узвий алоқадор бўлса, иккинчи томондан, турли соҳалардаги интеграциялашув жараёнлари турфа қатлам вакилларининг сиёсий ҳушёрлигини ошириш эҳтиёжини тақозо этмоқда. Бунда фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролар фаоллигини янада оширишнинг аҳамияти кучайиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий-сиёсий ҳаётда маънавий-ахлоқий ишлар самарадорлигини ошириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бугунги кун сиёсатшунослиги олдида турган долзарб муаммолар сирасига киради.

Жаҳонда ноанъанавий таҳдидлар кучайиб бораётган мураккаб шароитда халқларнинг ижтимоий-маънавий ҳаёт даражаси, маънавий-ахлоқий тарбия ва фаолиятига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш ривожланган давлатлар ва етакчи илмий марказларнинг эътибор марказида турибди. Шунингдек, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланган маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятини ўрганиш ва ривожлантиришда айрим муаммолар кўзга ташланмоқда. Жумладан, маънавий ва мафкуравий омилларни ривожлантирувчи маънавий-ахлоқий институтлар транформациялашуви ва фаолиятининг барқарорлашиб боришини ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида тадқиқ этиш кун тартибидаги масалага айланиб улгурди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, аҳолининг нафақат моддий, балки ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, шунинг баробарида, уларда том маънода юксак маънавиятли инсонларни тарбиялаш мақсади билан уйғунлашган. Давлат ижтимоий сиёсатининг жадал ривожланишида маънавий-ахлоқий институтлар роли ва аҳамияти муҳим ўрин тутишини «жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлган миллий ғоя ва мафкуравий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш»[1]га қўйилаётган талаблар исботлаб турибди. Шу боис, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари концециясининг ҳаётимизга тўлақонли жорий этилаётгани мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида жамиятда сиёсий ва иқтисодий институтлар билан бир қаторда, маънавий-ахлоқий институтларни ривожлантиришнинг долзарблигини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №Ф-5465-сонли Фармойиши. [Электрон манба] *www.norma.uz. Мурожаат санаси:* 05.06.2019 й.

янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 8 апрелдаги №ПФ-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари[2] асосида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни модернизация қилишда маънавий-ахлоқий институтларнинг стратегик аҳамият касб этиши белгилаб берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида[3] келтириб ўтилган жамият барқарорлиги, озод ва обод Ватан, унинг фаровонлиги ҳамда баркамол авлод тарбиясини янада юксалтириш борасидаги ғоялар тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Жамиятда маънавий-ахлоқий институтларнинг трансформацияси ҳақидаги мулоҳазалар ўзининг дастлабки илмий-сиёсий кўринишида Платон, Аристотель, Ш.Монтескье, Жон Локк, Т.Гоббс, А.Фергюссон, Г.Гегель, Эдмунд Бёрк, Бердяев, Жон Стюарт Милль, Э.Фромм[4] каби Ғарб; Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Халдун, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларида ўзига хос талқин этилган. Мисол учун, зардуштийлик динининг муқаддас «Авесто» китобида, Платоннинг «Давлат», Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарларида жамиятда барқарор тараққиётни таъминлаш учун энг аввало инсон маънавий камолотга эришиши зарурлиги асосланган. Хусусан, қадимги юнон файласуфи

---

[2] Каримов И.А. Асарлар тўплами. Т. 1-22. –Т.: Ўзбекистон, 1996-2015.

[3] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –488 б. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –592 б.

[4] Бу ва бошқа муаллифларнинг ишмий ишлари рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида бериб ўтилган.

Афлотуннинг «Қонунлар» асарида жамиятда маънавий тарбия энг зарур эҳтиёж эканлиги, агар бундай тарбияга амал қилинса, қонунларга амал қилиш ҳам ихтиёрий амалга оширилиши бўйича таъкидлаган фикри бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

XX асрда жадидчилик ғоялари демократик жамият асосларини ўзида намоён этадиган миллий мафкурани қарор топтиришни ёқлаб чиқди. Хусусан, А.Авлоний, А.Фитрат, А.Қодирий, М.Беҳбудий, Чўлпон[5]лар жамиятнинг маънавий ҳаёти таълим ва тарбия билан боғлиқ деб ҳисоблашган ва маърифат орқали ижтимоий-маънавий инқирозлардан чиқиш мумкинлигини асослаб беришган.

Маънавий-ахлоқий институтларнинг жамият ҳаётига таъсири, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ назарий масалалар ўзбекистонлик олимлар: Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, Б.Тўйчиев, И.Эргашев, Т.Алимардонов, М.Қирғизбоев, Д.Исламова, Б.Матибаев, М.Абдураимова, М.Юнусова, У.Идиров, Р.Самаров, В.Қўчқоров, Ф.Равшанов, Г.Жамалова, С.Мамашокиров, М.Муллажонова, Г.Туленова, Х.Ахмедовларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган[6].

Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий фанлар йўналишида амалга оширилган ишларда маънавий-ахлоқий институтларни ўрганишга доир ижтимоий-сиёсий қарашлар ўзига хос маъно-мазмун касб этиб келган. Жумладан, профессор С.Отамуродов ўз илмий тадқиқотларида глобаллашув шароитида маънавият ва унинг миллатнинг муҳим белгиси сифатидаги аҳамиятини, профессор Т.Махмудов маънавиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрнига эътибор қаратган. Профессор Ф.Равшанов миллий маънавиятимизга таъсир этувчи таҳдидларни, С.Йўлдошева[7] давлат ва нодавлат ташкилотларининг ёш авлодни маънавий тарбиялашдаги ўрнини илмий ёритиб берганлар.

Хусусан, профессор В.Қўчқоров, нодавлат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, маданий-маънавий институтлар фаолияти орқали миллий ўзликни англашнинг ижтимоий аҳамияти объективлашиши, натижада, миллатлар ўртасида тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳамда фуқароликни ҳис этишда намоён бўлиши[8]ни баён қилиб ўтади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини илмий тадқиқ қилган россиялик олим Л.Н.Коган: «Маънавий ҳаёт муаммолари ижтимоий фанлар мажмуаси томонидан доимо ўрганилган. Жамият маънавий ҳаётига оид масалага ҳеч бўлмаганда бир томонлама, бевосита ёки билвосита мурожаат этилмаган бирорта ижтимоий тадқиқот мавжуд эмас», дея таъкидлайди. Юқоридаги

---

[5] Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Мерос, 1993. – Б 32.; А.Қодирий. Жилдлик асарлар тўплами. –Т.: Маънавият, 1996.; А.Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. –Т.: Маънавият, 1998. –112 б.; М.Беҳбудий. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 1996.; Чўлпон. Жилдлик асарлар тўплами. Т.1.- О.Шарафуддинов таҳрири остида. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. –448 б.

[6] Бу ва бошқа муаллифларнинг ишмий ишлари рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

[7] Бу ва бошқа муаллифларнинг ишмий ишлари рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида бериб ўтилган.

[8] Қўчқоров В.Ҳ. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий-фалсафий таҳлил). Сиёс.фан.док. ... дисс. –Т.: 2009. –Б 14.

фикрлар маънавий масалалар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг негизи эканлигига ишорадир.

Россиялик олимлар маънавий-ахлоқий институтларни тадқиқ қилишнинг Ғарбда шаклланган анъанасини давом эттирган ҳолда, ундаги тушунчалар аппаратини кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Хусусан, О.В.Каширина ижтимоий муносабатлар тизимида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрнини, Ф.В.Даминдарова жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий анъаналарни ривожлантириш масалаларини, М.В.Головушкина тарбиянинг маънавий-ахлоқий асосларини шакллантиришда Шарқ ва Ғарб олимларининг қарашларини ўрганишган. Мазкур тадқиқотларда жамиятда маънавий-ахлоқий институтлар ривожланиши ва барқарорлиги билан боғлиқ айрим қарашлар таҳлилга тортилган.

Қолаверса, тожикистонлик файласуф Г.С.Абилова тожик жамиятида оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини, Т.М.Ринчинова[9] замонавий Хитой жамиятида маънавий-ахлоқий қадриятларни тадқиқ этган.

Шундай қилиб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг муҳим омили бўлган маънавий-ахлоқий институтларнинг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Шу боис, диссертацияда маънавий-ахлоқий институтлар фаолияти масалалари, фуқаролик жамиятини тўла қарор топтиришда уларнинг ўрни илмий тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот иши режасининг ПЗ-20170928710-сонли «Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий янгиланиш жараёнида маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган самарали фаолиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сиёсий фанларда маънавий-ахлоқий институтлар категориясига берилган таърифларни қиёсий ўрганиш, тизимлаштириш ва унинг аҳамиятини очиб бериш;

маънавий-ахлоқий институтларни тадқиқ этишда Ғарб ва Шарқ олимларининг назарий ёндашувларини таҳлил қилиш, уларнинг моҳиятини аниқлаштириш;

Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳаларнинг ривожланиши жараёнида маънавий-ахлоқий институтларнинг ўрнини илмий баҳолаш;

---

[9] *Қаранг:* Абилова Г.С.Духовно-нравственные основы семьи. Автореф.дисс.на соискание ученой степени канд.филос.наук. –Душанбе. 2011. –с 27; Ринчинова Т.М. Духовно-нравственные ценности современного Китайского общества. Автореф.дисс. иа соискание ученой степени канд.филос.наук. –Улан-Удэ. 2002, –с 25.

мамлакатимиздаги мавжуд маънавий-ахлоқий тарбия институтлари фаолиятини юксалтириш тажрибаси ва стратегик ривожланишини сиёсий институтлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг фуқаролар онгига позитив таъсир этиш усуллари бўйича амалий таклиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган тамойилни ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишда маънавий-ахлоқий институтларнинг иштирокини таҳлил қилиш;

мамлакатимизда илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчиси – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишда маънавий-ахлоқий институтларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш борасида таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистондаги маънавий-ахлоқий институтларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳамда фуқаролик жамияти тизимида тутган ўрни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** жамиятда маънавий-ахлоқий институтларнинг шаклланиш механизмлари, ривожланиш тенденциялари, уларнинг фуқаролик жамияти ривожидаги иштироки, мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги роли каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли таҳлил, тарихийлик, қиёсий-тарихий, тузилмавий, социологик сўров, функционал ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маънавий-ахлоқий институтлар трансформациялашуви (оила+маҳалла+жамият ҳамкорлиги) замонавий фуқаролик жамиятининг ривожланишига субстанционал маънавий омил бўлиб хизмат қилиши очиб берилган;

тарихий ва маданий қадриятларга асосланган, миллий маънавиятимизни ёш авлод онгига сингдиришда зарур ҳисобланган оила ва маҳалла институтлари горизонтал (ижтимоий муносабатларда муштараклик) ҳамда вертикал (социал масъулият ва дахлдорлик) шаклида прагматик фаолият олиб бориши лозимлиги асосланган;

фуқаролик жамияти ривожи ва маънавий-ахлоқий муассасалар фаолиятида ижобий таъсир кўрсатадиган ҳамда ижтимоий-мафкуравий тарғиботни йўлга қўядиган социал интеграциялашув платформасини (таълим муассасаси+оила+маҳалла+ННТ) шакллантириш зарурлиги илмий асосланган;

жамиятда институционал асосга эга бўлган маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминлашда «маънавият-мафкура-тарғибот» тамойилига амал қилиш муҳимлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг амалий натижаси сифатида мамлакатимизда маънавий-ахлоқий институтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва барқарорлашиб

бориши концептуал жиҳатдан таҳлил қилиниб, мазкур институтлар фаолиятини такомиллаштириб бориш ва қўллаб-қувватлашнинг замонавий усулларига оид илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

жамият тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали маънавий-ахлоқий институтлар билан боғлиқ масалаларни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга тадқиқ этиш нуқтаи назаридан амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги**. Илмий ишнинг кўплаб назарий тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда статистик маълумотлар асосида ҳамда концептуал тарзда таҳлил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материалларидаги тўпламлар, ОАК рўйхатидаги маҳаллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги илмий натижаларнинг ишончлилик даражасини белгилаб беради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти**. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация натижаларидан ижтимоий-сиёсий институтлар, партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ, миллий-маданий марказлар, миллий тараққиёт билан боғлиқ маънавий-маърифий тадқиқотлар, сиёсатшунослик соҳасида мазкур муаммони ўрганишга қаратилган ишларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Шунингдек, диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда асосланган хулосалардан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, маънавий-маърифий йўналишдаги тарғиботчилар фаолиятида қўллаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маънавий-ахлоқий институтларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги иштирокини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

маънавий-ахлоқий институтлар трансформациялашуви замонавий фуқаролик жамиятининг ривожланишига субстанционал маънавий омил бўлиб хизмат қилиши Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан олиб борилган давлат гранти лойиҳаси доирасидаги ПЗ-201709300366-рақамли «Мамлакатимизда барча фуқаролик, ижтимоий ва демократик институтлар ўртасида миллий ғояни кенг тарғиб қилиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш масалалари» мавзуидаги давлат грантини амалга оширишда, хусусан, маънавий-ахлоқий институтларнинг фаолият мезонларини такомиллаштиришга оид таклиф ва хулосаларидан фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/09-11/4-18-сон маълумотномаси). Натижада, маълумотлар бугунги кунда кенг фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари ўртасида миллий ғояни кенг

тарғиб қилиш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлаш, тренинг ва семинарлар ташкил этишга хизмат қилган;

тарихий ва маданий қадриятларга асосланган, миллий маънавиятимизни ёш авлод онгига сингдиришда зарур ҳисобланган оила ва маҳалла институтлари горизонтал ҳамда вертикал шаклида синхроник фаолият олиб бориши лозимлиги тўғрисидаги фикрлардан умумтаълим мактабларининг 10–11-синфлар «Маънавият асослари» дарслиги (Т.: 2017. –144 б.)ни тузишда фойдаланилган (Республика Таълим марказининг 2018 йил 21 сентябрдаги 01/25-68-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, умумтаълим муассасаларининг 10–11-синф ўқувчиларида маънавий-маърифий салоҳиятни ошириш ва уларнинг оила, маҳалла институтларининг асосий маънавиятни шакллантирувчи маскан сифатидаги ижобий динамизмни юзага чиқаришига хизмат қилган;

жамиятда институционал асосга эга бўлган маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминлашда «маънавият-мафкура-тарғибот» тамойилига амал қилиш муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг «Маданий-маърифий муассасалар ва номоддий маданий меросни ривожлантириш» шўъбасида ўзбек халқининг асрларга тенг миллий анъаналари, номоддий маданий ва маънавий мероси, ўзликни англашда маданий ва маънавий мероснинг тутган ўрни юзасидан тарғибот ва ташвиқот олиб бориш бўйича материаллар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 01.11.09.2108-сон маълумотномаси). Натижада, диссертация материалларидан халқимизнинг бой миллий анъаналари, номоддий маданий мероси, миллий ўзликни англашда жамиятимизда тарихан шаклланган маънавий қадриятлари бўйича услубий кўрсатма ва тарғибот материаллари тайёрлашда ижобий натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та илмий амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та дарслик, 1 та ўқув методик-қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, жумладан, 2 та мақола хорижий журналларда ва 7 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 158 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Демократлашув жараёнида маънавий-ахлоқий институтлар генезисини ўрганишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи боби демократлашув жараёнида маънавий-ахлоқий институтлар генезисини тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асосларига бағишланган бўлиб, унда жамиятнинг демократлашуви, ушбу жараёнда маънавиятнинг ўрни, унинг жамиятда ривож топиши ва шаклланиш тарихига урғу берилади. Бундан ташқари, жамиятимизда маънавий-ахлоқий институтлар шаклланишида демократлашувнинг ривожи ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимидаги ўрни тадқиқ этилган.

Диссертацияда маънавий-ахлоқий тушунча бевосита шахснинг, жамоанинг, социал стратификациянинг юқори комиллик мавқеига эришишига таъсир кўрсатиши эътироф этилган. Маънавият ва ахлоқ уйғун ҳолда жамиятда плюралистик фикрлар, миллий ғояга бўлган ишонч ва ижтимоий-сиёсий фаоллик маънавий-ахлоқий институтларнинг базавий асосини ташкил этиши асослаб ўтилган.

Тадқиқотда институт ва институтлашув тушунчалари ҳам таҳлил этилган. Бир қатор ўзбек олимлари институтни: «жамиятдаги ижтимоий тартиботларнинг муайян доирасини ўз ичига олган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи бўлиб, кенг маънода – ижтимоий турмушни ташкил этувчи ва тартибга солиб турувчи ижтимоий тузилманинг бир унсури – муассасалар, меъёрлар, қадриятлар, маданият намуналари, қарор топган феъл-атвор шакллари мажмуи»[10], дея таъкидлашади. Институтларнинг методологик асоси «институтлашув» категорияси билан бевосита боғлиқ бўлиб, институт, «институтлашув» тушунчасининг негизига асосланади. Буни қуйидаги омиллар орқали изоҳлаш мумкин: институционаллашув – қандайдир ҳаракат ёки ҳодисани жипслаштирган, ташкиллаштирган ва ўзи учун мақбул, фойдали томонларини ишлаб чиққан ташкилотнинг мавжуд бўлиши жараёнидир.

Бизнинг жамиятда миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ривожлантириш орқали миллий ғоя ва мафкурани мустаҳкамлаш, булар асосида маънавий-ахлоқий институтларга эҳтиёжнинг ортиб боришини кузатиш мумкин. Буни европалик олим Эдмунд Бёрк фикрларидан ҳам англаб олиш мумкин, у бирор-бир институтнинг узоқ муддат мавжудлиги халқнинг характери ва эътиқодига мос келишига боғлиқ бўлиб, айнан шу нарса жамият

[10] Шоумаров Ғ.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. –Т.: “ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” нашриёти, 2016. –Б 142-143.

равнақи учун зарур[11], деб ҳисоблайди.

Диссертацияда истиқлолнинг илк кунларидан маънавий-ахлоқий муассасалар жамоани муайян ғоя – миллий ғоя ва мафкурага садоқатли ва шу асосда жамиятда фаол иштирок этишини таъминлаши, фуқароларнинг манфаатлари уйғунлашувини юзага чиқаришда институтлашув талабидан келиб чиққанлиги илмий асосланган. Хусусан, бунда фуқаролик жамияти институтларининг мақсад, вазифа ва бажарадиган функциялари нуқтаи назаридан эгалитаризмни рўёбга чиқариши орқали маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳаракатчанлигини ошириш институтционал ёндашувларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Давр ўтиши билан миллий ва умуминсоний қадриятларни маънавий ҳаётда уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёж ортиб боради.

Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муассасаларнинг ривожланиб бориши демократик жамият ва унинг маънавий-ахлоқий сифатларининг динамик ошишига таъсир кўрсатиб, жамият ва давлатнинг ривожини таъминлашнинг сиёсий-ижтимоий кучини ўзида яққол намоён этади. Шу боис ҳам, маънавият юксак қарор топган жамиятда демократияга муҳтожлик сезилмайди, фуқароларнинг манфаатлари жамият мақсадлари билан уйғунлашиб кетади. Зеро, маънавий-ахлоқий институтлар том маънода халқ хоҳиши ва интилишларини ифодаловчи ижтимоий уюшмаларнинг системалашган тизими ҳисобланади. Бу муассасалар субстанционал келиб чиқиши жиҳатидан фуқароларнинг маънавий савиясини оширишга, ўзлигини англашига қаратилган, ихтиёрий тарзда бирлашишга, фуқароларнинг ахлоқий сифатларга эга бўлишга ундовчи институтлашув жараёнидир.

Мазкур типдаги институтларни жамият аъзоларининг ахлоқий-меъёрий характерини юксалтирувчи, маънавий-руҳий ўзлигини намоён этишига хизмат қилувчи муассаса – ташкилот, дейиш мумкин. Шунинг учун, улар қаторига ҳеч муболағасиз оила институти, маҳалла институти, ёшлар ташкилотлари ва таълим муассасаларини киритиш ўринли бўлади. Мисол учун, сиёсатшунос олим М.Қирғизбоевнинг: маънавий соҳага тегишли институтлар қаторига – таълим, фан, санъат ва бошқаларни киритиш мумкин[12]лигини қайд этиб ўтади.

Тадқиқот ишида маънавий-ахлоқий институтлар қуйидагича тузилмалардан ташкил топганлиги асослаб ўтилган**:** маданий-маърифий уюшмалар; фуқароларнинг маънавий-маърифий ҳамфикрлигини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи муассасалар; маънавий статусни оширувчи бирлашмалар; мафкуравий тарғибот ва ташвиқот билан шуғулланувчи ташкилотлар.

Бундан ташқари, диссертацияда маънавий-ахлоқий институтлар фуқароларнинг жамиятдаги фаоллиги, маънавий-мафкуравий эркинлигини кўрсатувчи, бунга шароит яратиб берувчи тизим сифатида: аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлиши; эркин равишда ташкил этилиши; маънавий-маърифий когнитив фаолиятга йўналтирилганлиги; легитимлиги; инсонларнинг ахлоқий

---

[11] *Қаранг:* Утамурадов А. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси: монография.. –Т.: Адабиёт учқунлари. 2018. –Б 63.

[12] М.Қирғизбоев. Социология./ўқув қўлланма. –Т.: “Наврўз”, 2017. –Б 134.

қарашларини ривожлантириш орқали ижтимоий-сиёсий назорат олиб бориш, маънавият тарғиботи билан шуғулланувчи уюшмалар стереотипини ташкил этувчи ташкилот сифатида келиб чиқиши қайд этилган.

Демак, маънавий-ахлоқий муассасаларнинг жамият тараққиёти, сиёсий жараёнлардаги зарурати шунда кўринадики, давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маънавий салоҳият ва юксак ахлоқий фазилатга эга бўлган тақдирдагина ҳақиқий демократия талаблари юзага келади. Мазкур тадқиқот ишида агар жамиятда демократик тамойилларга асосланмаган маънавий-ахлоқий институтлар шаклланган бўлса, уларнинг ривожланмаслиги ва жамиятнинг бу сингари муассасалардан ҳеч қандай манфаатдорлик кутмаслиги назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб берилган.

Диссертациянинг **«Жамиятдаги маънавий-ахлоқий институтлар трансформациясининг ташкилий-сиёсий асослари»** деб номланган иккинчи бобида миллий ғоя ва миллий мафкуранинг маънавий-ахлоқий институтлар фаолиятининг ривожланиб боришида етакчи омил эканлиги, давлат ва жамият ҳаётида бу типдаги ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти каби масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, жамиятдаги мавжуд маънавий-ахлоқий институтларнинг ташкилий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида жамиятда маънавий-ахлоқий институтларга бўлган эҳтиёж ошиб борди ва бу стратегик сиёсий-мафкуравий омилларни юзага келтирди. Хусусан, маънавий-ахлоқий институтлар таянадиган омиллар уч асосга: 1.Миллий ғоя; 2.Миллий мафкура; 3.Иқтисодга бўлинади. Тадқиқотда мазкур омиллар таснифлаб ўтилган.

Диссертациянинг мазкур бобида, жамиятда мақсадли ҳаракат олиб борувчи мафкуравий марказлар фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти ривожланиб бориши асослаб берилган. Мафкуравий марказлар – муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасаларга боғлиқлиги таъкидланган.

Мафкуравий марказлар ўз ҳаракат дастури, мафкурани тарғиб қилиш воситалари, усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни ривожлантириш ва сақлаш кабилар муҳим ўрин тутади[13].

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий ғоя ва мафкуранинг қарор топиши мавжуд маънавий-ахлоқий институтлар ривожланиши ва тармоқлашувига кафолат берувчи медиатор бўлиб хизмат қилади. Хусусан, таълим тизими миллий ғоя ва мафкурани ҳаётга татбиқ этиш, тарғиботини амалга оширувчи маънавий-маърифий муассаса ҳисобланади. Маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ривожланиши жамият аъзоларининг миллий манфаатларига айланиб боришини таълим-тарбия тизимисиз тасаввур қилиб

[13] *Қаранг:* Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар./ Илмий муҳаррир: Т.Ризқиев. –Т.: Ўзбекистон Файласуфлар миллий жамияти. 2002. –Б 80.

бўлмайди.

Миллий ғоя ва мафкуранинг фан сифатида ўқитилиши ғоя ва мафкура ҳодисалари, институтлари тўғрисидаги билимларни амалда қўллаш вазифасини бажаради[14]. Шу маънода, миллий ғоя ва миллий мафкура, уларнинг асосий тушунчалари, мақсад ва вазифалари айнан мамлакатимизда барқарор тараққиётни таъминлашда ҳар бир жамоада юксак маънавият устуворлиги йўлида маънавий-ахлоқий институтлашув механизми сифатида хизмат қилади.

Мазкур бобда, маънавий-ахлоқий институтларнинг эркин фаолият юритиши учун ташкилий-сиёсий ва ҳуқуқий асослар таҳлилга тортилган. Истиқлолга эришилгандан ҳали кўп ўтмасдан, бу сингари ташкилотларнинг эркин фаолияти учун ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг ишлаб чиқилиши жамиятимиздаги стратегик ислоҳотлар жараёнида давлатнинг ислоҳотчилик роли ҳамда жамиятнинг қуйи тизимлари орқали фуқароларнинг манфаатлари таъминланиши мақсадини ифода этарди. Хусусан, 1991 йил 15 февралда Ўзбекистонда дастлабки институтлар ҳақидаги қонунчилик ҳужжати – «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий, ва қолаверса, маънавий-ахлоқий ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши қўйилаётганлигини кўрсатиб берди.

Тадқиқотда Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий институтларнинг ривожланиши ва барқарорлашиб бориши бевосита мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўллар асосида даврлаштириб таҳлил этилган.

Биринчи давр – 1991-2000 йиллар. Бу давр миллий давлатчилик асослари ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юзага келтиришга қаратилган дастлабки ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон маънавий, маърифий, ахлоқий-меъёрий ёндашувнинг янгича – миллий ғоя ва мафкурага мос ҳолда ташкил этилиши билан белгиланади. Мустақилликнинг илк давридан бошлаб маънавий-маърифий, маданий муассасаларни қўллаб-қувватлаш ва улар амал қиладиган қадриятлар, анъаналарга ҳурмат кучайди.

Иккинчи давр – 2000-2016 йиллар. Бу давр мамлакатда фаол демократик янгиланиш ва модернизация қилишнинг ўзига хос жараёнлари даврини бошлаб беради. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш»нинг босқичма-босқич йўли белгилаб олиниб, 2005 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор асосида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалдаги татбиқи бу сингари институтлар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий фаоллигини оширишга кўмак берди.

Учинчи давр – 2016 йилдан кейинги йиллар. Бу давр мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёевнинг стратегик тараққиётга асосланган кенг кўламли ислоҳотлар даври билан бевосита алоқадор бўлиб, мамлакатда демократиянинг замонавий принципларини ишлаб чиқиш, халқчиллигини таъминлашга қаратилган мамлакатни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган

[14] *Қаранг:* Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси: Монография / Ж.Я.Яхшиликов, Н.Э. Муҳаммадиев. –Т.: Фан, 2017. –Б.23.

Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган устувор йўналишлар доирасида босқичма-босқич мақсадли, манзилли ишлар амалга оширилиши билан белгиланади.

Қолаверса, мазкур бобда ижтимоий-маънавий муассасаларни жамиятда тизимлашган ташкилотлар сирасига киритган ҳолда сиёсий жараёнларнинг барқарорликни таъминлашдаги ўрни нуқтаи назаридан улар интеграциялашувининг объектив ва субъектив омиллари ажратиб кўрсатилган. Агар субъектив ва объектив омилларининг қай даражада таъсир этиши «ғоявий-тарбиявий масалаларни ҳал этиш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ташкил этиш бўйича давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторларнинг ҳамкорлиги етарлича йўлга қўйилмаслиги»[15]ни юзага келтирса, бу ёшларнинг маънавий-маърифий салоҳият ва билимини амалий ҳаётда қўллаш ҳамда жамият бошқарувида иштирок этишида маълум бир қийинчиликларни туғдиради.

Тадқиқот ишида, яна бир жиҳатга, маънавий-ахлоқий институтларнинг жамиятда муқим сақлаб қолиниши, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясининг тарихий заруриятдан келиб чиқиб, демократик жамият қуришда ўзига хос бўлган бир қатор муаммоларни ҳал этиши келтириб ўтилган. Хусусан, бунда: аввало, маънавий-ахлоқий институтлар жамиятда қабул қилинган миллий ғоя ва мафкура орқали фуқароларда миллий бирдамлик, тотувлик ва масъулиятни юзага чиқариш ҳамда ватанпарварликни тарғиб қилишни ўзининг мустаҳкам таянчи сифатида кўриши; иккинчидан, жамиятда бўлаётган туб ўзгаришларда инсонларнинг миллий маданияти, миллий ўзликни англаш воситасида хайрихоҳлигини юзага чиқариш ва маълум бир структурага бирлашишни, жамиятдаги маънавий ислоҳотлар конверсиясини мудом кузатиб бориши; учинчидан эса, жамиятнинг ҳар бир аъзосида инсоний бурч ва масъулиятни оширишни ташвиқ қилишни перманент амалга оширишдаги ҳаракатлари билан институт мақомини ошириб бориши етакчи омил сифатида олинган.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий институтларнинг ривожланиш динамикаси**» деб номланиб, унда маънавий-ахлоқий институтларнинг асосий таянч ташкилотлари бўлган оила ва маҳалла институтларига урғу берилган ҳамда маънавий-ахлоқий институтларнинг жамият тараққиётидаги устувор индикаторлари (мезонлари)ни ижтимоий-сиёсий ҳаётга татбиқ этиш масалаларига эътибор қаратилган.

Миллий мафкуранинг асосий мақсадларидан бири ҳам жамиятнинг энг кучли, бошланғич институти бўлмиш оилани маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтириш, оила аъзолари ўртасида жамият ва миллий манфаатларга содиқ инсонларни тарбиялашни назарга тутади.

Оиланинг шаклланиши, унинг асосини кимлар ташкил этиши ҳамда бугунги кунда Ўзбекистонда оила масаласига берилаётган эътибор масалалари ҳам мазкур бобда ўз аксини топган. Оиланинг маънавий-ахлоқий институт

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №Ф-5465-сон Фармойиши. Манба: http://lex.uz

сифатидаги ўрни – унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларининг муҳим таянчи сифатида шахснинг камолга етиши, жамиятнинг ривожланиши, миллий қадриятларни сақлаб қолувчи вазифани бажариши таҳлил қилинган.

Ишда, шунингдек, оила асосининг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги ва бирдамлиги жамиятнинг тараққиёт мезонлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асосланган. Жадид маърифатпарвари Абдурауф Фитрат оиланинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Бир оиланинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шундай кучли ва тартибли бўлади»[16], дейди.

